

2019

ON SIGNIFICANCE OF SCIENCE OF BALĀĠAT IN ACHIEVING LINGUISTICAESTHETIC PERFECTION

Salima Rustamiy

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, s.rustamiy@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), and the [Islamic Studies Commons](#)

Recommended Citation

Rustamiy, Salima (2019) "ON SIGNIFICANCE OF SCIENCE OF BALĀĠAT IN ACHIEVING LINGUISTICAESTHETIC PERFECTION," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 14.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2019/iss4/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Salima RUSTAMIY,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of science DSc, docent of the
classical oriental literature and source study. s.rustamiy@iiaa.uz
II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ ЛИНГВОЭСТЕТИК КАМОЛОТДА ТУТГАН ЎРНИГА ДОИР

О ЗНАЧЕНИИ НАУКИ БАЛЯГА В ДОСТИЖЕНИИ ЛИНГВОЭСТЕТИЧЕСКОГО СОВЕРШЕНСТВА

ON SIGNIFICANCE OF SCIENCE OF BALĀĠAT IN ACHIEVING LINGUISTIC- AESTHETIC PERFECTION

Калит сўзлар: *балогат илми, лингвоэстетика, белгилар тизими, канон, тил шакли, тил тизими, калом, мажоз, киноя.*

Ключевые слова: *наука баялга, лингвоэстетика, система знаков, канон, форма языка, система языка, фраза, метафора, ирония.*

Key words: *science of balāġat, linguistic-aesthetics, system of signs, canon, form of language, system of language, sentence, metaphor, irony.*

Тил эстетикаси тил ресурслари ва тил имкониятларига тааллуқли бўлса, калом эстетикаси муайян тилни яхши ўзлаштирган адиб, олим ёки бошқа бирор кимсанинг бу ресурс ва имкониятларни қўллай олиши билан боғлиқ. Тил омилининг ўзига эстетик муносабатда бўлиш сўзловчининг муайян сўзлашув ҳолатида таъсирли деб ҳисоблаган тил воситасини танлай билиши билан белгиланади (Jalal ad-Din, 1998). Тил эстетикаси масаласи барча тилларга тааллуқли бўлиб, уни илмий асосда ўрганиш даври турли тилларда турличадир.

Европа олимлари XX аср бошларига келиб ўрта аср араб тили ва адабиётида илгари сурилган поэтикага доир қарашлар, жумладан, балогат илмини бадиий сўз санъатининг ўзига хос тури сифатида идрок қила бошладилар. Улар бу хослик нимадан иборат эканини аниқлаш учун бир қанча илмий изланишлар олиб бордилар. Бу ишга К. Броккельман (Brockelmann, 1943-1949), Ф. Габриэли (Gabrieli, 1978), Х. Гибб (Gibb, 1960; Gibb, 1947-1948), Е. Блашер (Blashère, 1957), Г. Перес (Pérès, 1953), Г. Грюнебаум (Gryunebaum, 1978), И. Крачковский (Krachkovskiy, 1956) ва бошқа кўплаб олимлар кат-

та ҳисса қўшдилар. Натижада ўрта аср мусулмон оламидаги араб поэтик тафаккури ҳам, балогат илми ҳам канон (Kudelin, 1984) деб аталди.

Мазкур олимларнинг умумий фикрига кўра адабиётдаги канонлар ижтимоий онгинг маълум бир тури маҳсули ҳисобланади ва улар кўпгина объектив омиллар асосида вужудга келади. Демак, канонлар уларнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, санъатнинг тараққий этишига ўз ҳолича тўсиқ бўла олмайди. Улар мафқуранинг муайян тури ҳукмрон бўлган шароитда пайдо бўлади ва амал қилади. Бу мафқура парчаланиши билан улар ҳам йўқолади.

Аммо адабиётдаги канонлар тизими катта ўзгаришларга учрай олиш ва ривожланиш хусусиятига эга. Шу тизим таркибида вужудга келган ва барча даврларда яшаб келаётган хитоба (хутба ўқиш) каби насрий нутқ, шеъринг намуналар турли тарихий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ адабий муҳитда ўзига хос қонуниятлар асосида ўзгариб, ривожланиб келмоқда. Бундай ўзгариш ва ривожланишлар, асосан, дунёқарашдаги ўзгаришлардан келиб чиқади, шунингдек, улар каноник санъатнинг имманент (ички) қонунлари билан ҳам боғлиқдир. Адабий канонлар бадиий фаоллигининг сақланиб қолиш сабаблари – адабий канонлар тизимида ўзгаришлар ва эволюция ҳодисаларининг кашф қилиниши орқали тушунтирилади.

Поэтика ўрта аср араб мусулмон маданиятида вужудга келган ҳодиса сифатида ўзига хос жиҳатларга эга бўлиши керак. Бундан ўша жиҳатларни аниқламай туриб, анъанавий араб адабиёти назариясини етарли даражада талқин қилиш мумкин эмаслиги маълум бўлади.

Адабий канонлар ўз навбатида тил қонунларига бўйсунди ва буларсиз амалга ошмайди. Буларнинг энг муҳими тилнинг тизимли фаолияти бўлиб, у тил тизими ҳақидаги назарияда ўз аксини топган.

Тил тизими – ҳар қандай табиий тилнинг ўзаро муносабатлар билан боғланган, муайян бирлик ва бутунликни ташкил этувчи лисоний унсурлари мажмуи. Тил тизимининг ҳар бир таркибий қисми алоҳида-алоҳида эмас, балки тизимнинг бошқа таркибий қисмларига қарама-қарши қўйилгандагина мавжуд бўлади.

Тил мураккаб бутунлик бўлиб, унинг фонология, лексика, морфология, синтаксис ва услубият каби таркибий қисмлари ажратилади. Тил тизим сифатида яхлитлик табиатида эга бўлгани боис унинг таркибий қисмлари ҳам шундай характерда бўлади.

Европада тилнинг тизим сифатида изоҳланиши Ф. Де Соссюр (Sossyur, 1977), В. Гумбольдт

Европа олимлари XX аср бошларига келиб ўрта аср араб тили ва адабиётида илгари сурилган поэтикага доир қарашлар, жумладан, балоғат илмини бадий сўз санъатининг ўзига хос тури сифатида идрок қила бошладилар. Натижада ўрта аср мусулмон оламидаги араб поэтик тафаккури ҳам, балоғат илми ҳам қанон деб аталди.

Олимларнинг умумий фикрига кўра адабиётдаги қанонлар ижтимоий онгнинг маълум бир тури маҳсули ҳисобланади ва улар кўпгина объектив омиллар асосида вужудга келади. Ўрта аср араб адабиёти назариясида шакл ва мазмун муносабати ҳақидаги поэтологик қарашларнинг ривожланиши мураккаб кечган. Маълумки, IX–XI асрлар йирик олимлари мумтоз араб шеърятда мазмун ва шаклни бир-бирига боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Бу дунёқараш уларнинг умумий фалсафий қарашлари асосини ташкил қилган.

Абдулқохир Журжонийдан бошлаб барча балоғатга оид асарларда лафз ва маъно ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиши каломнинг зарурий шарт сифатида эътироф этилади. «Маъно» араб мусулмон фалсафаси, назарий қарашлар учун асосий тушунча ҳисобланади. Адабий қанонлар ўз навбатида тил қонунларига бўйсунди ва буларсиз амалга ошмайди. Буларнинг энг муҳими тилнинг тизимли фаолияти бўлиб, у тил тизими ҳақидаги назарияда ўз аксини топган.

К началу XX века европейские ученые начали воспринимать поэтические идеи, выдвинутые в средневековом арабском языке и литературе, включая науку баяга как особый вид художественного выражения. В результате арабское поэтическое мышление и наука баяга в средневековом мусульманском мире стали называться канонами.

Ученые согласны с тем, что каноны в литературе являются продуктом определенного типа общественного сознания и обусловлены многими объективными факторами. В теории средневековой арабской литературы процесс развития поэтических взглядов на соотношение формы и значения был сложным. Известно, что ведущие ученые классической арабской поэзии IX–XI веков считали, что содержание и форма были взаимосвязаны. Это мировоззрение легло в основу их общих философских взглядов.

Во всех сочинениях о науке баяга, начиная с Абдулкахир Джурджани, взаимосвязь слово и смысла является необходимым условием предложения. Смысл в арабской мусульманской философии является основным понятием теоретических взглядов. Литературные каноны, в свою очередь, подчиняются законам языка и не могут быть достигнуты без них. Наиболее важным из них является систематическое функционирование языка, как это отражено в теории языковой системы.

By the beginning of the 20 century the European scientists have begun to perceive the poetic ideas put forward in medieval Arabic language and literature including the science of *balāḡat* as a specific type of artistic expression. As a result, the Arabic poetic thinking and science of *balāḡat* in the medieval Muslim world began to be called canons.

Scientists agree that canons in literature are the product of certain type of social consciousness and caused by many objective factors. In the theory of medieval Arabic literature, development of poetic views on correlation between form and meaning was complicated. It is well known that the leading scientists of classical Arabic poetry of the 9–11th centuries considered that meaning and form had been interconnected. This outlook has formed the basis of their general philosophical views.

In all works on science of *balāḡat*, starting with Abdulkakhir Jurjani, correlation between word and meaning is necessary condition of sentence. The meaning, according to the Arabic Muslim philosophy is the main notion of the theoretical views. Literary canons, in turn, submit to the laws of language and cannot be achieved without them. The most important one among them is the systematic functioning of language as reflected in the theory of language system.

(Gumboldt, 1984) ва бошқа тилшуносларнинг асарларидан бошланган. Тил тизими ҳақидаги ҳозирги замон тасавури эса ўз ичига ўзаро алоқадор бўлган тил сатҳлари, тил бирликлари, парадигматик ва синтагматик муносабатлар, тилнинг белгилар тизими эканлиги, тилда шакл ҳамда вазифа (функция), структура ва субстанция, тилнинг ички ва ташқи алоқалари, синхрония ва диахрония, анализ ва синтез, доимийлик ва муваққатлик каби тушунчаларни ҳам қамраб олади (Solnsev, 1977).

Тил тизимини ташкил этувчи таркибий қисмлар бир-бирини тақозо этади. Сўзлар иштирокида сўз бирикмаси, гаплар шаклланади ва нутқ ҳосил бўлади. Бунда грамматик воситалар (аффикс, ёрдамчи сўзлар, синтактик воситалар) ҳамда сўз тартиби, инверсия, супплетивизм, тавтология сингари воситалар ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Тил ўта мураккаб тузилмага эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг негизини ташкил этувчи тил бирликлари тизимлари асосида тил тузилмасининг ўзаро боғлиқ боқичлари ажратилади; бу боқичларга хос бирликлар тизими тилшуносликнинг турли соҳаларида ўрганилади (*Adabiyot nazariyasi*).

Абдулқохир Журжоний XI асрдаёқ балоғатга доир «Дало'илу-л-ийжаз» асарида калом тузилишининг куйидаги муҳим хусусиятларини белгилаб беради (Abd-al-Qahir, 2010):

1. Маънонинг томири лафзлар бўлиб, бу лафзларнинг вазифаси маънога хизмат қилишдан иборат. Бу қараш В. Гумбольдтнинг тилнинг ички формаси ҳақидаги таълимотида ички формани «сўз орқали ифодаланадиган маънодир» деган фикрига қиёсланса, ҳам Журжоний, ҳам В. Гумбольдт томо-

нидан сўзлар маъноларни ифодалаб берувчи восита сифатида эътироф этилганини кўриш мумкин.

2. «Ақл сўзлар (kalimāt)нинг маъноларини излайди ва маънолар тақозо қилинаётган нарсага мувофиқ тизилади». Журжоний бу қараши орқали лексикани фақат тилнинг қурилиш материали, «ашёси» сифатида олиб қарамайди. Шунингдек, у нутқ, нутқ фаолияти сўзлардан ҳосил бўлиши ва танланган сўзлар маънони ёритишга хизмат қилишини тўғри таъкидлайди.

3. «Тизим синтактик маъноларга асосланиши лозим, калом синтаксис талаб қиладиган шаклда бўлиши керак».

4. «Грамматик ибора (термин)ларнинг ўзини билиш шарт эмас, ўша ибораларнинг маддули, яъни ибора билдирган маънони билиш керак».

5. «Тизим истиора ва мажознинг бошқа турларини талаб қилади». Журжоний истиора ва мажоз кабиларга хос бўлган маъно кўчиш ҳодисасига ҳам катта эътибор берган. У сўз калом тизимидаги ўрни, ўзи боғланиб келаётган сўз маъносидан келиб чиқиб тизимнинг турли бўлақларида турли маънолар касб этиши мумкин эканига ишора қиладди.

6. «Агар сўзлар (kalim) бир-бирига боғланмаса, уларнинг тизими ҳам, тартиби ҳам бўлмайди, боғловчилар – усуллар ва ёрдамчи сўзлар (Lomonosov, 1987) (al-‘adawāt an-naḥwiyya)дир». Журжонийнинг бу фикри, бир томондан, В. Гумбольдтнинг «тил формаси система сифатида намён бўлади, яъни ҳар бир тил элементи, бирлиги бошқа элементга кўра мавжуддир, у билан ўзаро боғлиқдир, алоқадордир» каби қарашларига мос келади.

7. «Тизимдан мақсад бир сўзни бошқасига тартибсиз боғлаш эмас, бўлақлар маъноларнинг ёритилишини таъминлашга асосланган тартибда бўлиши керак». Демак, калом ундаги таркибий бўлақларнинг синтактик муносабатга киришиши орқалигина бирор мазмунга эга бўла олиши Журжоний томонидан эътироф этилади.

8. Калом синтаксис талаб қилган шаклда бўлмаса, яъни унда синтактик маъноларга риоя қилинмаса, у тизим эмас. Кейинчалик Ф. де Соссюр ҳам лисоний таълимотининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида тил белгилари тил системасининг элементлари, бирликлари сифатида бир-бирини белгилаши, ўзаро мантаний, зарурий муносабатга, алоқага киришиб, бир бутунликни – тил системасини ҳосил қилишини айтган.

Юқоридагилардан Журжоний назариясида ҳам В. Гумбольдт таълимотидаги каби тил форма (шакл) экани ва тил формасининг хусусиятларидан бири уни нутқ товушлари ташкил қилиши, шунинг

дек, тил формаси икки жиҳатнинг, икки томон: моддий ва руҳий, ташқи ва ички томонларнинг бирлигидан, боғлиқлигидан иборат, тилнинг ташқи формаси, яъни шакли унинг товуш системаси бўлиб, ички формаси тил структураларининг ташкил қилиниш, фикрни тилда объективлаштириш усули экани ҳақидаги фикрлар синкритик ҳолатда бўлса-да, мавжудлиги маълум бўлади.

Бундан ташқари тилда шакл ва мазмун бирлиги назарияси ҳам амал қилади. Аристотель «Поэтика»сида асарлардаги «нима» (ифода предмети) ва «қандай» (ифода воситаси)ни ажратган. Қадимги олимларнинг бу тариқа мушоҳадаси ўрта асрлар ва янги даврга келиб тил эстетикасига асос бўлди. XIX асрда Гегель шакл ва мазмун бирлиги назариясини ишлаб чиқди. Шакл ва мазмун тушунчаси санъатга нисбатан ҳам қўлланади. Бадиий асарлар сўз санъати маҳсули ҳисоблангани боис бу тушунча XX асрдан бошлаб адабиётшунослик назариясига ҳам татбиқ этиб келиняпти (Forma I soderzhanie proizvedeniya). Лекин шу билан бирга «белги ва далолат» (Volkov, 1966), «текст ва маъно» (Melchuk, 1974: 21, 37) сўзлари ҳам қўлланади.

Ҳозирги кунда ҳам бадиий адабиётда мазмун билан шакл бирлиги ва мутаносиблиги адабиёт назариясининг бош масаласидан бири ҳисобланади, мазмунсиз шакл бўлмаганидек, шаклсиз мазмун ҳам бўлмаслиги, ҳар қандай бадиий ғоя ўзига мутаносиб бадиий шаклдагина ўз моҳиятини тўла намён эта олиши таъкидланади. Алишер Навоий «Хамса»сида ўз замонида шоирликни даъво қилиб юрган кўплаб кишиларнинг шакл бобидаги нўноқлигини қоралайди. Чунки фақат шакли мазмунига тўла мос асаргина ҳақиқий бадиий асар бўла олади (Adabiyot nazariyasi).

Ўрта аср араб адабиёти назариясида шакл ва мазмун муносабати ҳақидаги поэтологик қарашларнинг ривожланиши мураккаб кечган. Маълумки, IX–XI асрларнинг йирик олимлари мумтоз араб шеърлятида мазмун ва шаклни бир-бирига боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Бу дунёқараш уларнинг умумий фалсафий қарашлари асосини ташкил қилган.

Журжонийдан бошлаб барча балоғатга оид асарларда лафз ва маъно ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиши каломнинг зарурий шarti сифатида эътироф этилади. «Маъно» араб мусулмон фалсафаси, назарий қарашлар учун асосий тушунча ҳисобланади. Маънонинг нарсага муносабатини тушуниш, «маъно» (ma‘nā) тушунчасининг «белгиланувчи» (madlūl) ва «белги» (‘alam)га нисбати ғарбда одат бўлган тушунчалардан фарқ қилади. Араб мусулмон олимлари маънога асосий тушунча сифатида таъриф бермайдилар, бироқ унинг маз-

муни маънога ишора қилувчи умумий тан олинган назариялардан келиб чиқади. Улардаги маънога ишора қилувчилар (*dalāla*): талаффуз қилиниш (*lafz*), ёзув (*ḥatt*), имо (*iṣāra* – ишора, юз ҳаракати), бармоқлар ҳолати (*‘aqd* – ёзувгача араблар орасида кенг тарқалган бармоқ билан ҳисоблаш санъати) ва нарсалар ҳолати (*naṣba*) кабилар (*Filosofskaya ensiklopediya*).

Журжонийнинг тилнинг алоқа воситаси эканига ишора қилган ҳолда шу функциянинг моҳиятини кўрсатиб берувчи, калом ҳақидаги «калом бўлмаса, билимнинг фойдаси билувчининг ўзи билан чега-раланар эди» қарашни М.В. Ломоносовнинг сўзнинг инсонларга ўз тушунчаларини ифодалаш, ўзгаларга хабар етказиш учун хизмат қилиши (*Rasulov*; 75) ҳақидаги фикрига мос келади. Шунингдек, Ф. де Соссюр тил маъно ташувчи белгилар системаси экани, у ифода (ифодаловчи) ва мазмун (ифодаланувчи) томонларига эгаллигини айтади (*Rustamiy*, 2014: 70). У «тил белгилари шартли, ихтиёрийдир», дейди. Демак, тил белгилари моддий ва рухий томонларнинг, товуш ва маънонинг бирлигидан иборат бўлиб, бири иккинчисисиз бўлмаслиги, улар ўзаро боғлиқ ва нисбий бир бутун ҳолда ижтимоий вазифа бажариши, жамиятга хизмат қилиб, фикр алмашуви – коммуникатив жараёни таъминлаши балоғат илмида ўзига хос кўринишда ифода этилган.

М.В. Ломоносов рус адабий тилидаги сўзларнинг маъноси, қўлланиши, фаоллик даражаси, қандай ўринларда ишлатилиши, экспрессив-эмоционал хусусиятлари кабиларни ўрганган. Сўзларнинг бу хусусиятлари билан боғлиқ масалалар балоғат илмида XI асрдан буён ўрганиб келинмоқда.

Шу ўринда лексиканинг ғарбда ўрганилган стилистик ресурслари хусусида тўхталиш жоиз:

1) таъсирчан ифода воситалари – лексик ва синтактик; 2) лексик синонимлар; синонимлар матнга мос келувчи тил воситасини танлаш имконини яратади; 3) махсус тил бирликлари, шунингдек, ҳис-туйғуларни ифодаловчи лексика; улар тизимда услубдан келиб чиқиб, кўшимча маъноларни ифодалайди; 4) қўлланиш доираси чекланган лексик бирликлар: диалектизмлар, оддий сўзлашувга оид сўзлар, профессионализмлар, шунингдек, архаизм, неологизм ва б.; 5) фразеология: одатда фразеологизм, унга синоним бўлган сўз ёки эркин бирикмага нисбатан ифодалидир.

Булардан 1, 3 ва 5-турдаги стилистик ресурслар балоғат илмида ўрганилади, бошқалари луғатшунослик соҳасига тегишлидир.

Ғарб тилишунослигида таъсирчан ифода воситаларига троплар таркибига кирган метафора, метонимия, синекдоха, жонлантириш, образли ўх-

шатиш, эпитет, гипербола каби лексик-семантик ходисаларни, шунингдек, синтактик-поэтик фигуралардан анафора, эпифора кабиларни ҳам киритадилар.

Журжонийнинг маъно кўчиши ходисасига асосланган истиора ва мажознинг бошқа турларини тизимга киритиши, Саккокийнинг бадиий воситаларни балоғат тизимида деб ҳисоблаши ўрта аср олимлари бу воситаларнинг «тил руҳияти» (яъни маъно)га таъсир қилиб, ҳис-туйғуларни кўзгата олиш қувватига эга эканини яхши тушунганларидан далолат беради.

Қадимги араб шеъриятида ҳар бир муаллиф ижодида ўзига хос маъно кўчиш усуллари қўлланилган маъно яратишнинг энг яхши намуналари вужудга келишига асос бўлди. X асрдан бошлаб бу усуллар ўз кучини йўқота бошлади, чунки мумтоз араб шеъриятида араб-мусулмон жамияти тафаккурини чуқур ўзгаришга олиб келган янги илғор тенденция устунликка эришган эди. Бу тенденция таъсирчан нутқ ва стилистик воситаларнинг экспрессив имкониятлари ривожда ўз ифодасини топди. Шоирлар айнан шакл доирасида (объектив сабабларга кўра имкониятлари чекланиб бораётган маъно яратиш доирасида эмас) ўзларига хос муаллифлик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган янги ресурсларни кўрдилар. Бир доирадан бошқасига ўтиш натижасида шоирлар ижодида муаллифлик услубини татбиқ этиш характери ҳам ўзгарди.

Маънони балоғатли калом орқали ифода этиш учун сўз ёки иборалар танлаш сўзловчидан катта маҳорат талаб қилади. Бу борада Жохиз «мутақаллим тилда мавжуд бўлган барча имкониятдан фойдалана олиши керак» ва «агар маъно ажойиб лафздан иборат либосга бурканса, янада мазмунли ва мафтункор бўлиши мумкин» (*Al-Jahiz*: 27:375; *Gafarova* 2012: 3-12) деган. Бу фикр орқали Жохиз маънони «ажойиб» лафз билан «безаш» унинг мавқеини ошира олишини аниқ ифодалаб берган. Кейинчалик бу фикр хитобадан шеъриятга кўчирилди. Унинг якуний талқини Журжоний асарида ўз ифодасини топди. Журжоний янги маъно яратиш воситалари сифатида, биринчидан – мажоз, киноя каби кўчма маънога асосланган усулларни, иккинчидан – грамматик-стилистик воситаларни кўрсатади. Буларни Журжоний ҳақли равишда маъно доирасида муаллифлик услубини яратишда чексиз манба деб ҳисоблайди.

Бу фикр кейинчалик В.В. Виноградов томонидан ўз тасдиғини топди. У бадиий асар стилистикасини алоҳида ажратиб, бу йўналишда тилнинг коммуникатив ва эстетик вазибаларининг бирлиги намоён бўлади, яъни маиший, кундалик нутқ

элементларининг санъат фактига, асарига ўтиши, айланиши юз беради, индивидуал услублар ҳосил бўлади, деб ҳисоблайди (Rasulov, 2010: 126).

В.В. Виноградов бадий асарлар тили ҳақидаги таълимот илмнинг алоҳида соҳаси сифатида стилистика, поэтик нутқ назарияси ва поэтиканинг туташини, «тўқнашини», бирлашини нуктаси, натижаси деган муҳим хулосага келади (Rasulov, 2010: 126). Аслида мусулмон шаркида бадий асар тили ҳақидаги таълимот ғарбдаги каби стилистика ва поэтикага ажралган ҳолда эмас, олим таъкидлаганидек, уларнинг туташини, бирлашини нуктаси сифатида XI асрда шаклланиб бўлган эди.

Бадий тил, табиийки, балоғат илми ўз ичига тил эстетикаси масаласини ҳам қамраб олади. Тил эстетикаси масалалари бадий нутқ назарияси, у эса тил лаконизми, яъни маънони кучайтириш ва шаклни ихчамлаштириш каби назарияларни келтириб чиқаради. Балоғатнинг маъноий илмидаги ийжоз усули маънони кучайтириш ва шаклни ихчамлаштиришни таъминлашга қаратилган. Итноб усули – ийжозга акс бўлган усул. Уларнинг хусусиятлари, вазифалари балоғат олимлари томонидан аниқ кўрсатиб берилган.

Кейинги асрларга келиб ғарбда бу масалалар тадқиқи анча чуқурлашди ва Л. Блумфильд (1887–1949) матнни энг ихчам ва тугал ифода этишни талаб қиладиган дескриптив методни ишлаб чиқиб, дескриптив тилшуносликка асос солди. Дескриптив лингвистика айрим тил бирликларининг бир-бирига нисбатан жойлашини тартибини ёки уларнинг тарқалиши (дистрибуция) муносабатини тасвирловчи фан сифатида пайдо бўлди. Унинг асосини дистрибуция тушунчаси ташкил қилади. Дистрибуция – бу маълум тил бирлиги қўлланиши мумкин бўлган ва қўлланиши мумкин бўлмаган доиралар (контекстлар) йиғиндисидир, яъни гап қисмларининг бир-бирига нисбатан жойлашини асосида тил бирлигининг ўрни, тартиби, бирикиши каби хусусиятларидир (Rasulov, 2010: 113). Бу масалалар маъноий илмида атрофлича ишлаб чиқилган. Масалан, эга ва кесим гапнинг турли ўринларида келиши, уларнинг тушиб қолиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ҳолатлари чуқур таҳлил қилинган.

Балоғат илмида нутқда эшитувчи, гапирувчи, улар психологик мувозанатининг борлиги тўғрисидаги қарашлар маъноий бўлимида ўз ифодасини топган.

Балиғ каломнинг шартларидан бири унинг ҳолат тақозосига мослиги бўлиб, унда гапирувчи эшитувчининг ўзи етказётган хабардан воқиф ёки воқиф эмаслиги, унинг ақлий ва руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш ва каломни шуларга мос равишда шакллантириш ва буни амалга ошириш масалала-

ри ёритилган. Масалан, хабар тингловчининг ҳолатидан келиб чиқиб, ибтидоий, талабий ёки инкорий бўлиши лозим. Шунингдек, гапирувчи эшитувчининг фаҳм даражасига ҳам эътибор бериши керак.

Шу ҳолат билан бевосита боғлиқ равишда маъноий илмида каломнинг айтилиши ва эшитувчига мақсадли таъсирининг ўзаро мувофиқлиги масаласи ҳам кўтарилган.

Абдулқохир Журжоний таъкидлаган тил белгилари ҳақидаги қарашлар кейинчалик Юсуф Саккокий (Sakkokiy), Жалолиддин Қазвиний (Jalal ad-Din; Jalal ad-Din, 1998) ва Саъдуддин Тафтазоний (Sad ad-Din) томонидан балоғат илмига татбиқ қилинган ҳолда ривожлантирилди. Бу жиҳат ўрта аср шарқ олимлари тилшунослик масалаларига катта эътибор қаратганлари, илмий аҳамиятга эга муҳим назарий фикрлар билдириб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшганларини кўрсатади.

Машҳур олиму фозилларнинг олимлик даражаси ва ижодий маҳорати ҳақида сўз кетганда, уларнинг балоғат илми билан алоқадор фаолияти борасида алоҳида тўхталиш зарур. Чунки шарқ зиёлилари орасида олимнинг етуқлик даражаси унинг балоғат илмидаги маҳорати билан ўлчанган. Етуқ олимлар ўз асарларида, албатта, бу илм санъатларини қўллаганлар. Уни қай даражада қўллаш асарнинг мазмун ва моҳиятига боғлиқ бўлган. Бу илм санъатлари бадий асарни буткул қамраб олган бўлса, илмий асарларнинг керакли ўринларидангина жой эгаллаган. Муаллифнинг маҳорати, аввало, асарнинг номланишида кўзга ташланади. Абдуллоҳ Хоразмийнинг «العلوم مفتاح» (Илмлар очкичи (қалити)), «تاج العروس من جواهر القاموس» («Уммон гавҳарларидан келин тожи»), Мулла Ҳодий ибн ал-Ахдий ас-Сабзаворийнинг «الراح الفراح» («Мусаффо мусаллас»), Алишер Навоийнинг «نسايم المحبت» («من شمائم الفتوة» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари»), «نظم الجواهر» («Гавҳарлар тизими») каби асарлари номлари тасодифий эмас, улар муаллифнинг тилдаги маҳоратини кўрсатувчи ёрқин далиллардир. Бу каби номларда шакл ва маъно уйғунлигига тўлиқ эришилган.

Нутқни эстетик талабга жавоб берадиган ҳолатга келтириш уни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бинобарин, билим олиш ва уларни тарғиб қилишнинг асосий воситаларидан бири нутқ бўлгач, уни шакллантириш, ривожлантиришнинг ўзи алоҳида билимларни талаб қилади ва фикрни тўғри, керакли ўринларда таъсирли қилиб етказа олиш ўзига хос санъат ҳисобланади (Sad ad-Din). Бу борада балоғат илми ҳозиргача инсонларга калом тузишнинг нозик жиҳатлари ҳақида билим бериб келмоқда.

Балоғат илмининг ривожланиши билан боғлиқ асарлар, унинг асосида ёзилган ўқув қўлланмалар араб алифбосида яратилгани ва худди шундай фаннинг гарбда мавжуд эмаслиги уни ўқув дастурларидан тушиб қолишига сабаб бўлди. Натижада биз нутқ билан боғлиқ бўлган асосий фанни йўқотдик. Бу йўқотишнинг натижалари бугунги нутқимизда ўз аксини топиб турибди, десак муболаға бўлмайди.

Сўнги йилларда миллий кадрларни тиклаш қаторида маънавий меросни ўрганишга ҳам катта эътибор берилиши шарофати билан илмий, маърифий ва тарбиявий аҳамиятга молик асарлар мутахассислар томонидан чуқур ўрганилмоқда (Nosirova, 2019; Nizamova).

Шу ўринда балоғат илмининг вужудга келиши Қуръон билан боғлиқ экани, бу фаннинг асосий вазифаси Қуръон маъноларини тўғри тушуниш ва талқин қилишга хизмат қилишдан бошланганини таъкидлаш жоиз. Шу асосда балоғат Қуръон тили бўлган араб тилининг маънони ифодалашдаги бадий имкониятларини ёритиб берувчи илм сифатида катта аҳамиятга эга.

Вақт ўтиб, балоғат илмининг ривожи шарқ халқлари, жумладан, форс ва туркий халқлар ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ўрта асрларда бу илм қоидаларига асосланиб, унинг санъатларини моҳирона қўллаган ҳолда яратилган кўплаб бадий ва дидактик асарлар ёзилди. Бу асарларда тил қоидаларига қатъий риоя қилиш билан бирга бадий санъатлардан ҳам усталик билан фойдаланилган, уларда «ҳақиқат ҳам, унинг ифода воситалари ҳам бадий тус олган» (Atoulluh; 30).

Айнан ана шу ҳақиқат ва ифода воситаларининг бадий тус олиши, яъни уларнинг эстетик жиҳатдан жозибадор ва мафтункор суратга кириши балоғат илмининг таълим-тарбиядаги ролини кучайтиради. Бу жиҳатдан унинг, хусусан, эстетик тарбияда ўз ўрни бор. Балоғат илми ўзининг эстетик кучи билан шахснинг том маънода ҳам таълим, ҳам тарбия, яъни одоб нормаларини ўзлаштиришига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Балоғат илми бугунги кунда ҳам ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу илм араб тилида маънони ифодалашнинг нозик сир-асрорларини ўргатиб келаётгани сабабли ҳозир ҳам шарқ давлатлари ўқув даргоҳларида ўқитиб келилмоқда.

Балоғат илмини билмаслик, уни ўқитмаслик тилнинг камбағаллашуви ва унинг ифода имкониятларини яхши англамаслик, натижада ХХ—ХХІ аср поэзиясида тилнинг бузилиши ва белгиларнинг йўқолиб бориши каби салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Мазкур фан амалий жиҳатдан санъатшунослар, шоир ва ёзувчилар, матбуот ва радио ходимлари, айниқса, педагоглар нутқининг ҳам маъноли, ҳам равон бўлиши, зарур ҳолларда унинг таъсир кучини оширувчи воситаларни қўллай олиш билими ва малакасини ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Atoulluh, Husayniy. (1981). *Badoyi'u-s-sanoyi'*. (Forschadan A.Rustamov tarjimas). Toshkent.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti.
2. Blashère, E. (1957). *Le Classicisme dans la littérature arabe*. In: *Classicisme et déclin culturel dans l'histoire de l'Islam*. Paris. 279-290.
3. Brockelmann, C. (1943-1949). *Geschichte der arabischen Literatur*. Bd. 1-2. 2. Aufl. Leiden.
4. Volkov, A.G. (1966). *Yazik kak sistema znakov*. Moskva: Izdatelstvo Moskovskogo Universiteta.
5. Gabrieli, F. (1978). *Osnovnie tendensii razvitiya v literaturax islama*. *Arabskaya srednevekovaya kultura i literatura*, 14-30.
6. Gafarova, U. (2012). *Stanovlenie i razvitie arabskoy ritoriki do XIV veka*. *Uchenie zapiski Xudjandskogo gosudarstvennogo universiteta*. *Tadjikskaya filologiya*, 2(30), 3-12.
7. Gibb, X. A. R. (1960). *Arabskaya literatura*. *Klassicheskiy period*. Moskva: Izdatelstvo vostochnoy literaturi.
8. Gibb, X. A. R. (1947-1948). *Arab Poet and Arabic Philologist*. *Bulletin of the School of Oriental and African Studies*, 12, 574-578.
9. Gryunebaum, G.E. (1978). *Literatura v kontekste islamskoy sivilizatsii*. *Arabskaya srednevekovaya kultura i literatura*. Moskva. 31-45.
10. Gumboldt, V. (1956). *Izbrannie trudi po yazikoznaniyu*. Moskva: Progress.
11. Krachkovskiy, I. Yu. (1956). *Izbrannie sochineniya*. T.2. Moskva-Leningrad.
12. Krachkovskiy, I. Yu. (1960). *Izbrannie sochineniya*. T.4. Moskva-Leningrad.
13. Kudelin, A. B. (1984). *Konsepsiya kanona v srednevekovoy arabskoy poetike*. (Diss. ... dokt.filol. nauk.).
14. Lomonosov, M.V. (1987). *Sochineniya*. Moskva.
15. Melchuk, I. A. (1974). *Opit teorii lingvisticheskix modeley «smisl ↔ tekst»*. Moskva: Nauka.
16. Nosirova, M. (2019). *Scientific heritage of Makhmud Zamakhshari and actual questions of the studies of Mavarennakhs linguistic school*. *The Light of Islam*, 2019(1), 14.
17. Nizamova, F. (2019). *The history of studying Khusrav Dekhlavi's work*. *The Light of Islam*, 2019(2), 19. 95-99.
18. Pérès H. (1953). *La poésie andalouse en arabe classique au XIe siècle*, deuxième édition. Adrien Maisonneuve. Paris.

19. Rasulov, R. (2010). Umumiy tilshunoslik. Toshkent: Fan va texnologiyalar markazi.
20. Rustamiy, A. (2014). Hazrat-i Navoiyning ma'naviy olami. Toshkent: Navro'z.
21. Рустамий, С. А. (2017). «Balaag'at» как лингвостилистическая дисциплина. Социосфера, (1), 67-72.
22. Rustamiy, S. Art of word and artistry of arabic proverbs. The Science Advanced Journal. ISSUE 8-2014. 36-40.
23. Sossyur, F. (1977). Trudi po yazikoznanii. Moskva: Progress.
24. Solnsev, V. M. (1977). Yazik kak sistemno-strukturnoe obrazovanie. – Moskva: Nauka.
25. Sakkokiy, Abu Yaqub. أبو يعقوب يوسف السكاكي. مفتاح العلوم. ابو ریحان بیرونی نامیده کی شرق قول یازمه لاری فوندي، رقم – 7843/4
26. Al-Jahiz. (1968). الجاحظ. كتاب البيان و التبيين. ج. 1. بيروت. 1968. ص. 375.
27. Jalal ad-Din, al-Qazviniy. جلال الدين القزويني. تلخيص المفتاح. ابو ریحان بیرونی نامیده کی شرق قول یازمه لاری فوندي، رقم – 10677/1
28. Sad ad-Din, at-Taftazoniy. سعد الدين التفتازاني. شرح تلخيص المفتاح. ابو ریحان بیرونی نامیده کی شرق قول یازمه لاری فوندي، رقم – 13009
29. Abd-al-Qahir, al-Jurjoniy. (2010). Retrieved from <http://ali-mawassi.blogspot.com/2010/02/blog-post.html>. النحو البلاغي وعلاقته بنظرية النظم عند عبد القاهر الجرجاني - تقرير علمي
30. Filosofskaya ensiklopediya. Retrieved from http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/8280 Dokazatelstvo v arabo-musulmanskoj filosofii. // Filosofskaya ensiklopediya.
31. Estetika yazika. Retrieved from <http://mlis.ru/literature/8-yestetika-yazyka.html>.
32. Jalal ad-Din, al-Qazviniy. (1998). Retrieved from <http://www.shamela.ws> جلال الدين القزويني. الاضاح في علوم البلاغة. دار إحياء العلوم – بيروت. الطبعة الرابعة
33. Forma I sodержanie proizvedeniya. Retrieved from <http://www.textologia.ru/literature/teoria-literatury/literaturnoe-proizvedenie/forma-i-soderzhanie-proizvedeniya/358/?q=471&n=358>.
34. Adabiyot nazariyasi. Retrieved from https://uz.wikipedia.org/wiki/Adabiyot_nazariyasi.

